



ЎҚУВЧИ – ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА ҚОНУНЛАРГА ҲУРМАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА «ВАТАН ТАЯНЧИ» ҲАРАКАТИНИНГ ЎРНИ

Ярматов А.Н.

*Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармаси
бошлигининг ўринбосари - “Ватан таянчи” ҳаракати бўлими
бошлиги, подполковник*

*“Ёш авлодимизда қатъий ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак
масъулият туйғусини шакллантириши алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Шунини ҳисоб-
га олиб, мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб олий ўқув юртлиригача қамраб
оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича ўзига хос
ноёб ва яхлит тизим яратилмоқда”.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондони*

Таянч сўзлар: ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, давлат сиёсати, ёшлар, ислохот, тараққиёт стратегияси, ёшлар агентлиги, ёшлар иттифоқи, ҳарбий-маъмурий сектор, глобализация, ахлоқ, анъанавий ва замонавий усуллар, “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий ватанпарварлик ҳаракати.

Ключевые слова: воспитание в духе военного патриотизма, государственная политика, молодежь, реформа, стратегия действий, союз молодежи, военно-административный сектор, глобализация, мораль, традиционные и современные способы, Детско-юношеское военно-патриотическое движение “Ватан таянчи”.

Key words: educating in the spirit of patriotism, state policy, youth, reforms, Strategy directions, youth’s union, military-administrative sector, globalization, morale, traditional and modern methods, children and youth military-patriotik movement “Vatan tayanchi”.

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳияти-



ни тўлик намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Айниқса, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-ҳунар, IT-технологияларини ўргатиш, тадбиркорликка жалб этиш, ёшларни бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда .

Дунёда ва минтақада юзага келаётган вазият ҳам ҳар қандай давлатда ёшлар тарбияси кечиктириб бўлмас муҳим масала эканлигини кўрсатмоқда.

Ташқи кучларнинг ахборот-технологиялари орқали ёшлар онгига таъсир кўрсатиши натижасида айрим давлатларнинг тарихи, миллати, миллий қадриятлари йўқолиб бораётганлиги ҳар қандай соғлом фикрловчи инсонни жиддий ташвишга солиши зарур.

Шуни очик тан олишимиз керакки, бу салбий омиллар бизнинг мамлакатимиз ёшларини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Ёшлар онгида “Замонавийлик”, “Мода” деган ниқоб остида бирорта миллат ёки элат маданиятига мансуб бўлмаган, виртуал тасаввурлар орқали яратилаётган ёввойи маданиятлар, ёт ғоялар шаклланаётгандек гўё. Натижада, келажакда миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга жиддий салбий таъсир кўрсатиши, оилавий муносабатлар, қариндош-уруғчилик, кўни-қўшничилик, маҳалладошлик, Ватандошлик ришталарига путур етиши мумкинлигини эътибордан қочирмаслик зарур.

Ёшлар характерида яккалик (индивидуализм) ва худбинлик (эгоизм) каби бизнинг халқларимизга ёт сифатлар ўз аломатларини кўрсатмоқда. Бунинг натижасида бағритошлик, ваҳшийлик, виждонсизлик, шунингдек, бепарволик ва лоқайдлик каби салбий иллатларнинг содир бўлиши инкор қилиб бўлмас ҳақиқат эмасми?

Оммавий ахборот воситаларда, ижтимоий тармоқларда қанчадан-қанча ота-оналар ўз фарзандларидан жабр чекаётганлиги, ака-ука, опа-сингиллар бир-бирлари билан мол-мулк, мерос таллашиб судлашиб, юз кўрмас бўлиб кетаётганликлари, ҳатто ўз жигарларининг қотилига айланаётганларни, йигитларга хос бўлмаган ҳатти-ҳаракатлар, ор-номуси нималигини билмайдиган айрим ёшларни қилиқлари, оиласи, отаси, ака-укасини номуси бўлган, энди эса шуурига айланиб бўлган қизларни, мусофирчиликда аниқ бир ҳунарга эга бўлмаган, энг арзон ишларни қилиб юрган, керак бўлса миллатни сотаётган ватандошларимизни, жониворларга ваҳ-



шийларча озор бериб, сўнгра ижтимоий тармоқларда кўз-кўз қилаётган фуқароларни, энг ёмони бегона юртларда ақидапарастлар таъсирига тушиб, кўр-кўрона уруш майдонларига бориб бекафан ўлиб кетган ёшларни кўриб ҳам хушёр тортмайдиган инсон борми?

Ёшлар тарбияси фақат давлат иши эмас. Бу барчанинг иши, жамиятнинг иши. Ўзини инсон деб билган, сўнгра Ватан деган тушунчани муқаддас билганларнинг иши. Энг аввало ота-онанинг иши.

Қандай тарбиялаш зарурлиги, нималар қилиш керак эканлигини узоқлардан излаш шарт эмас. Энг аввало “Қуш инида кўрганини қилади”. Тарбияни ҳар бир инсон ўзидан бошлаши керак, фарзандларига ўзи намуна бўлиши лозим. Манбаларга келсак, тарихдан ота-боболаримиз фарзанд тарбияси бўйича улкан меърос қолдириб кетганлар. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутатдғу билиг”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Амир Темурнинг “Тузуқлари”, Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқа кўплаб асарлар ҳақиқий фарзанд, Ватан ҳимоячиси, оила давомчиси ва ор-номуси ҳимоячиси қандай сифатларга эга бўлишини белгилаб берган.

Ватан равнақи ғояси Ватанга дахлдорлик ҳисси мазмунини, ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир. У миллий истиқлолнинг олий мақсади - Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди. Ватанни ардоқлаш, эъзозлаш ва унга хизмат қилиш Конституциямизнинг 64-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”

Ҳар қандай давлат ўз истиқболини соғлом ва баркамол авлод тимсолида кўради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнини, кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуришдек эзгу мақсадлар рўёбини ёшлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ёшларни замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, ватанпарвар бўлиши, шу азиз Ватанга дахлдорлик ҳиссини кучайтириши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз кучи, билим ва салоҳиятини юқори, дунёқараши кенг, мустақил фикрлайдиган авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир. Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади” .

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ва бошқа қонунлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларимизга замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия бериш, уларнинг иқтидорини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аксарият ривожланган мамлакатларда фуқароларнинг ватанпарварлик тарбияси бўйича давлат дастурлари, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси самарадорлигини ошириш концепциялари қабул қилинган, ёшларнинг ватанпарварлик борасидаги тарбияси билан шуғулланувчи ва давлат томонидан молиявий кўмак берилувчи кўплаб жамоатчилик асосидаги фахрийлар ва ёшлар жамоатчилиги ташкилотлари ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимиз ҳарбий соҳадаги давлат сиёсати, Қуролли Кучларимизнинг муҳофаа салоҳиятини ошириш борасида ислохотларнинг янги босқичи бошлаб берилди. Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашиб, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитар экан, соҳада кўп йиллар давомида йиғилиб қолган жиддий, тизимли муаммоларни ҳам кўрсатиб ўтиб, “Булар – кадрлар масаласи, кўшинларни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга тааллуқли муаммолардир”, деб таъкидлаган .

Шу билан бирга, ёшларда Ватанга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПФ-6260-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етуқ ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 март кунидаги “Ватан таянчи”



болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ПҚ-150 сонли Қарори қабул қилинди .

Ҳўш, юқоридаги қарорга асосан ташкил этилган “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати қандай ҳаракат? Унинг фаолияти қандай йўлга қўйилган? Бу ҳаракатга аъзо бўлган ўсмирлар нима билан шуғулланади? Қуйида бу саволларга тўлиқ жавоб топасиз.

Республикамикиз ҳудудида жойлашган ҳар бир умумтаълим мактабларида бошланғич ҳарбий таълим фани ўқитувчиси раҳбарлигида 20-нафар 10-11-синф ўқувчиларидан иборат “Ватан таянчи” отрядлари тузилиши, отрядга аъзо бўлиш ўқувчилар учун ихтиёрий бўлиши кўзда тутилган. Ўқув йили якунида мактабни аъло баҳолар билан тугатган, “Ватан таянчи” отрядларининг бир нафар фаол аъзосига Мудофаа вазирлиги томонидан олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун имтиёзли тавсиянома берилади. Ундан ташқари, “Ватан таянчи” тавсияномасига эга бўлган ўқувчилар олий ҳарбий таълим муассасаларига киришда 5 % қўшимча балл олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Дунёда ўзларининг ижобий ва салбий жиҳатларига эга, мақсади, тамойиллари, иш шакли ва услублари билан фарқ қилувчи кўплаб педагогик тизимлар мавжуд. Шундай жамоалар борки, улар оддий мактаблардагидек ёшларни ўқитмайди, балки уларни тарбиялайди, уларни ривожлантиради. Бундай жамоаларда кўплаб китоблар ўқиб, яқинларимиз ва тенгдошларимизни тинглаб, жамоавий мулоҳазалар ва бирдамлик орқали бир-биримизни тарбиялаймиз. Бу шундай жамоаки, бу ерда ҳаммаси бир вақтда, энг муҳими, қувноқ ва қизиқ муҳитда амалга оширилади. Бу “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий- ватанпарварлик ҳаракати (Ватан таянчи ҳаракати)дир.

“Ватан таянчи” ҳаракати – чуқур ўйланган, педагогик ва илмий-назарий асосланган, мақсадга йўналтирилган бўлиб, у болалар ва ўсмирларни Ватанга садоқатли, шижоатли ва жонкуяр, масъулиятли ва интилувчан этиб тарбиялайдиган ҳаракат ҳисобланади. Бу ҳаракат ўзининг бугунги кунда ўта долзарб ва муҳимлиги билан аҳамиятлидир.

Ёшлар психологияси ва педагогикаси нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳаракат фаолияти ўз тамойиллари, услуб ва шакллари бўйича ижобий ёндашув бўла олади. Шу билан бирга, бу тизим ўта самарали ва мослашувчан ҳусусиятга эга. “Ватан таянчи” ҳаракатининг услубиёти мамлакат, жамият, ижтимоий гуруҳларда шахс, инсон ва фуқаролик тарбиясини шакллантириш мақсадидаги зарурий сифатларни ўз ичига олади.



Маълумки, турли даврларда, турли мамлакатларда кўплаб болалар ва ўсмирлар ташкилотлари мавжуд бўлиб, турлича мақсад ва вазифаларига эга бўлган, ўз навбатида сиёсат ва вазият ўзгариши сабабли уларнинг мақсадларида ҳам ўзгаришлар кузатилган. “Ватан таянчи” ҳаракати ҳар қандай шароитда, ҳар қандай вазиятда энг аввало Ватаннинг, жамиятнинг энг садоқатли ва фаол, ҳар қандай синов ва қийинчиликларни енгиб, ўз ҳаётий мақсади томон илдам ҳаракатланадиган, Ватан манфаатини қадрлайдиган ва ҳимоя қиладиган ўсмирларни тарбиялайди.

Агар педагоглар ва ўсмирлар нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, “Ватан таянчи” ҳаракати – бу бир жамоа”. Азалдан аجدодларимиз бир мақсад йўлида бирлашган, жамоа бўлиб яшаганлар, жамоа бўлиб ўз анъаналарини, маданиятини, урф-одатларини яратганлар. Жамоавий таъсир орқали ўз жамоадошларига тўғри йўл кўрсатганлар, ноҳўя хатти-ҳаракатлардан қайтарганлар, зарурият туғилганда бир-бирларига елкадош бўлганлар ва кўмаклашганлар, кенг кўламли ишларни жамоа бўлиб амалга оширганлар ҳамда жамоа бўлиб ўзаро мусобақалашганлар. Ҳаракатга аъзо бўлиш орқали ўсмир ёшларда ўзининг кучи ва қобилиятига ишончи ошади, жамоа орқали мақсад ва ғалабага эришишни англайди ҳамда ғалаба нашидасидан роҳатланишни ҳис қилади. Ёшларда ўзаро меҳр-оқибат, дўстларига ва жамиятнинг бошқа вакиллариغا ғамхўрлик қилиш, Ватан манфаати йўлида жамоавий ташаббус кўрсатиш ва бирлашиш сифатлари шаклланади. Бу орқали бугунги кундаги глобал муаммо, яъни бизнинг миллий тарбиямизга мутлақо бегона бўлган “индивидуализм” каби ғояни сингиб киришига чек қўйилади.

“Ватан таянчи” ҳаракатига аъзо бўлган ўсмир чиниққан, довюрак, эркин ва теъран фикрловчи, билимли ва ақлли, Ватан тақдирига дахлдорлигини чуқур англовчи ва унинг чинакам ҳимоячиси, тарихимиз, анъаналаримиздан хабардор ва уларни ҳурмат қилувчи, жамиятда ҳурмат-эътиборга эга ва ўз орғидан одамларни эргаштиришга қодир шахс сифатида шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати – Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, бағрикенглик, миллий ва умуминсоний кадриятлар ва қонунларимизга нисбатан юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш ва уларда Ватан тақдири учун жавобгарлик туйғусини мустаҳкамлаш борасида узлуксиз иш олиб боришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширади.



“Ватан таянчи” ҳаракатининг асосий вазифалари қўйидагилар етиб белгиланди:

- ўсиб келаётган ёш авлодни Ватан тақдирига дахлдорлик, маънавий-ахлоқий, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда қонунларимизга нисбатан юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш;
- эркин фикрлайдиган, мустақкам билимли, жамиятда муносиб мавқеини эгаллаш қобилиятига эга, мустақил қарор қабул қилишга қодир, мамлакатининг, халқи ва ўз оиласининг фаровонлиги ва янада ривожланиши орзусида бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш;
- ўқувчи-ёшларни тузилаётган отряд атрофида бирлаштириш ва жипслаштириш, улар орасида ҳарбий-ватанпарварлик, ўқув - тарбиявий тадбирларни амалга оширишда асосий ташкилотчи сифатида фаолият юритиш, ўқувчиларда ўқиш ва интизом бўйича юқори натижаларга эришишга иштиёқни уйғотиш ҳамда уларга ўрнак бўлиш учун фаол ҳаракат қилиш;
- давлат умумтаълим мактаблар ўқувчиларини одоб-ахлоқ, Ватанга садоқат ва ўзига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш, ўқиши, интизоми ва жисмоний кўрсаткичлари паст ўқувчиларга юқори натижаларга эришишда кўмаклашиш;
- давлат умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;
- ўқувчиларни турли хавфли ғоялар ва ташқаридан “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ёшларда Ватанга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, Ватанни севиш ва асраш туйғуларини шакллантириш ахлоқий эҳтиёжга айланди. Бугунги кунда бу давлат сиёсати марказида туради. Бу эҳтиёжни эса маънавий-ахлоқий мерос воситасида қондириш самарали натижа бериши яққол намоён бўлмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, ватанпарварлик халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. У меҳр-оқибат, Ватан тақдири учун қайғуриш, ташвиш ва фалокатларга ҳамдардлик каби ахлоқий фазилатлар сирасига киради. Айниқса, ҳарбий ватанпарварлик умумхалқ, умуммиллий ватанпарварликнинг алоҳида тури ва ажралмас бўлагидир. Ҳарбий ватанпарварлик ғояларини ёшлар қалбига сингдириш Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатида яна ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Тошкент, Ўзбекистон, 2023, -Б. 25.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июль кундаги ПФ – 6260 сонли “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
3. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 247 (6741)-сон. – 2017. 7 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 3-сон. - 2017 йил. 10 январь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 март кундаги ПҚ-150 сонли “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.
6. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 247 (6741)-сон. – 2017. 7 декабрь.
7. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу максадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир // www.prezident.uz.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқувчи ёшларни ватанпарварлик, миллий кадрият ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий ватанпарварлик ҳаракатининг ўрни ва ушбу ҳаракат ёшларнинг ватанпарварлик, миллий кадрият ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ўта долзарблиги, давлат сиёсати марказида турганлиги, бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим жиҳатлари ҳамда глобаллашув жараёнида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг анъанавий ва замонавий усуллари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены актуальность воспитания молодежи в духе военного патриотизма, внимание к данному вопросу в государственной политике, важные аспекты проводимых в данной сфере реформ, а также традиционные и современные способы формирования у молодежи морали военного патриотизма с учетом современного процесса глобализации, Детско-юношеское военно-патриотическое движение “Ватан таянчи”.

SUMMARY

This article explores issues of educating youth in the spirit of patriotism and its essence in the state policy, significance of reforms being conducted in the state as well as traditional and modern ways of forming youth's military patriotic behaviour. Children and youth military-patriotic movement “Vatan tayanchi”.